

- Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Фарғона вилояти туман ва шаҳар босқичларида икки мингдан ортиқ ўғил-қиз иштирок этди. Улар орасидан сараланган 720 нафар ёш фестивалнинг вилоят босқичида классик, вокал ва миллий қолғу асбоблари ижрочилиги, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод каби йўналишлар бўйича ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди.

- Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Қизилқум санъат гунчалари» IX анъанавий болалар фестивали бўлиб ўтди. Унда Зарафшон, Учқудук, Навоий шаҳарлари, Нуробод, Зафаробод туманлари ҳамда қончилар кўрғонларидан келган 400 нафардан ортиқ ўғил-қизлар ўз иқтидор ва маҳоратини кўрсатди.

- Самарқанд шаҳрида хотин-қизлар ўртасида гимнастрада мусобақалари ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида муваффақият қозонган жамоалар иштирок этди.

- Қумқўрғон туманида юқумли касалликлар шифохонасининг 40 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 651 миллион сўмлик ушбу иншоот «Агроташъирилик» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.

- Бозорларда сотувчи ва харидорларга қулай шароитлар яратиш мақсадида Булоқбоши тумани «Деҳқон ва озик-овқат бозори» масъулияти чекланган жамиятида замонавий гўшт сотиш павильони ишга туширилди. Жами 32 ўринга эга бўлган савдо растасида маҳсулотларни сифатли сақлаш учун барча қулайликлар мавжуд.

ЖАҲОНДА

- Кеча Англия пойтахти Лондон шаҳрида 60 та давлат вакиллари иштирокида кибер бўшиқдан фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро конференция бошланди.

- Украина ва Россия Россия газидан кибер бўшиқдан фойдаланиш масалаларига бағишланган халқаро конференция бошланди.

- Кеча Доғистонда рўй берган отишма чоғида икки нафар полиция ходими ҳалок бўлди.

- Кеча Лондонда ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,02 долларга пасайиб, бир баррели 109,54 долларни ташкил этди.

- Швециядаги йирик автомагистралларда машиналар ҳаракатланишининг янги қоидаси ишлаб чиқилди. Унга қўра, қатнов чоғида автоуовлар ўртасидаги оралиқ масофа 25 метрдан ошмаслиги ва 15 метрдан камаймаслиги зарур. Бу, аввало, хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Аҳамиятли жиҳат эса, янги қоида туфайли юк автомобилларида ёнилги сарфи 10 фоизгача қисқараркан.

- Хитой жанубида жойлашган Хунань музофотидаги қонда юз берган портлаш натижасида 29 киши ҳаётдан кўз юмди. Фожиа газ сизиб чиқиши оқибатида юз берди. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида олти нафар қончининг ҳаёти сақлаб қолинди. Шифокорларнинг таъкидлашича, уларнинг ҳам аҳоли у қадр яхши эмас.

- Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида НАТОнинг 5 нафар ҳарбий хизматчиси ва 8 та маҳаллий аҳоли ҳалок бўлди.

- Туркиянинг Бингел шаҳрида террорчи-камикадзенинг портловчи қурилми ҳаракатга келтириши натижасида 10 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Улардан бири оғир аҳволда. Ҳозирча Туркиядаги бирорта ҳам гуруҳ ушбу портлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олгани йўқ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 218 (12.029)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимизнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев)

2011 йилнинг 20 декабрига «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишонларининг белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2011 йил 31 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги Фармониغا 1-илова

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони давлатимизнинг муҳофаа қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларини барпо этишда салмоқли ҳисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчиға садоқатини намойн қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, заҳираға бўшатишдан кейин истеъфоға чиқарилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган ҳарбий хизматчилари тақдирланганлар.

2. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони номидан қўшилма командири ва ундан юқори лавозимли шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Муқофотланганларға эсдалик нишони билан бирға белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилди.

3. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони муқофотланганларға ҳарбийлашган тузилмалар вазирлик ва идоралари раҳбарларининг буйруғиға асосан топширилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони қўрақнинг чап томониға давлат муқофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги Фармониға 2-илова

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсдалик нишони 0,25 микро қалинлиқдаги олтин билан қропланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклиға эға.

Эсдалик нишонининг олд томонида таралаётган қўеш нурулари фониди «Ватанға қасамёд» монументи – жанговар байроқ олдиди тиз қўйиб, Ватанға содиқлик ҳақида қасамёд қилаётган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг сиймоси тасвирланган бўлиб, унинг ортида, ўнг томонда, юқорироқда ўғлиға ўз муқаддас бурчини адо этишиға оқ фотиҳа бераётган она тисмоси акс этирилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг юбилей санасини англатувчи «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 20 YIL» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг юзасида тасвирланган монументнинг ўнг ва чап томонида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган йил ва юбилей йили 1992 — 2012 рақамлари акс этирилган.

Эсдалик нишони халқача ва илгакча ёрдамида устки қисмиға Ўзбекистон Республикаси Давлат байрогининг рангли полосалари туширилган эни 24 миллиметр ипак лента ўралган беш бурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади. Кўк, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полосаларнинг эни 1,5 миллиметр. Колодканинг баландлиги 48, эни 45 миллиметр. Тўнағичиға мустаҳкамланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабриқдир. Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесини якунланди. Ёшлар ижод саройида шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, мусаввирлар, санъатшунослар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.



ИЖОДКОРЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг ўринбосари Р.Миртожиев, VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналесини директори С.Бобоев, Ўзбекистон халқ расоми Ж.Умарбеков ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожини йўлида кўрсатилётган улкан эътибор ижодкорлар-

ни янгидан-янги парвозлар сари илҳомлантиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади. Мамлакатимизда бадиий таълимни янада такомиллаштириш, санъат йўналишидаги билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, халқимизни миллий ва жаҳон санъати намуналаридан баҳраманд этиш, ёшларнинг диди ва тафакку-

(Давоми 3-бетда)

БАЁНОТЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛГАНДА

«Ховар» агентлиги 2011 йил 26 октябрь кунини Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун ГЭСини қурилишидаги ишларнинг боришиға оид расмий баёнотини эълон қилди.

Баёнотнинг асосий маъно-маъмуни Тожикистон томони Роғун ГЭСини лойиҳасини халқаро экспертизадан ўтказиш бўйича Жаҳон банки билан тузилган битимға қатъий амал қилишда давом этиётганини ва лойиҳа халқаро экспертизасининг яқиний натижаларини кутмасдан Амударёнинг ирмоғи — Ваҳш дарёсини оқимини тўсиш бўйича дастлабки босқичдаги ишларға киришмоқчи эмаслигини таъкидлашға қаратилган. Халқаро экспертлар ишиға гўёки ҳеч қандай тўсқинлик қилинмапти, Роғун ГЭСини ишроотида амалға оширилатган барча ишлар эса фақат таъмирлаш-тиклаш хусусиятиға эға.

Келинг, аниқ фактларға мурожаат этайлик. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотида «Роғун ГЭСининг техник имкониятлари, иқтисодий самарадорлиги, экологик хавфсизлиги кўп марта текширувдан ўтказилган ва ушбу лойиҳа бирор марта ҳам салбий баҳо олмаган», деб таъкидланади. Бирок бу ҳақиқатта муғлақо тўғри келмайд.

Маълумки, Роғун ГЭСини қурилиши оид лойиҳа ўтган асрининг 70-йиллари, яъни шўрлар даврида тайёрланган ва ҳеч қандай экспертизадан, чунончи, ҳолик халқаро экспертизадан ўтказилмаган. Объект қурилиши 1976 йилда КПССнинг XIV съезиди директиваларига мувофиқ бошланган, қурилиш бўйича ҳеч қандай муҳофаа ёки тафтиш ўтказилмаган. СССР парламенти кетган, ушбу объектида ишлар ҳам тўхтаб қолган. Айнан шунинг учун ҳам Тожикистон томони объектни экспертизадан ўтказиш масаласи юзасидан хозирги кунға қадар ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаёт.

Роғун ГЭСини лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон қурилиши учун танланган майдон ер қўбиянинг сейсмотектоник ёриғида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламининг силжиши қўзғатилади ҳамда ювиль кетиш ақимилои кучли бўлган қалинлиги қарийб 100 метри ташкил этувчи улкан туз қатлами мавжуд.

Табиийки, бундай сабаблар, бошқа кўнчилик сингари, экспертиза ўтказилган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг хавфсизлиги борасида жиддий шўбҳа уйғотмоқда. Хусусан, тўғон барпо этилиши мўлжалланган жой — майдон сейсмотектоник ёриғида, туз қатлами устида жойлашганини ҳисобға оладиган бўлса, мазкур ҳудуднинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини текширмадан туриб у ерда тўғон қуриш ҳақида уйланишнинг ўзи ҳам манфиққа зиддир. Боз устиға, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиған сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Экспертларнинг бундай асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилётган турли тўсиқларға дуч келмоқда. Чунончи, Тожикистон томони экспертиза жараёнида разведка бурғилар ишларини истисно этишға жон-жаҳди билан уринмоқда.

Ўз навбатида, бу халқаро консорциум экспертлари билан Тожикистон ҳокимият органилари ўртасида жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Шундай экан, Тожикистон ҳукуматининг бу борада халқаро консорциум билан тўлик ҳамфикр эканиға оид баёноти ҳақиқатта муғлақо тўғри келмайд.

Тожикистон саноат ва энергетика вазир Ш.Гулининг ушбу лойиҳанинг экологик ва иқтисодий экспертизаси натижалари қандай бўлишидан қатъий назар, Тожикистон томони ўзининг Роғун ГЭСини қурилиши бўйича ишларини давом эттириш тўғрисидаги қарорини ўзгартирмаглиги ҳақидаги баёноти оммавий ахборот воситаларида кўп бор эълон қилинди.

Тожикистон раҳбарияти жорий йил охириға қадар тўғон қурилиши учун Ваҳш дарёсини тўсиш бўйича ишларни бошлашни режалаштираётгани Жаҳон банки мутахассислариға яхши маълум. Яъни, халқаро экспертиза яқунланишини кутмасдан, баландлиги 120 метрлик оралиқ тўғонни қуриб битказиш ва шу тарихда халқаро ҳамжамиятни таъбир ахволға солиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСини ҳудудда хозирги вақтда фақат таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб боришмоқда, деган баёноти ҳам ҳақиқатта муғлақо тўғри келмайд.

Акс ҳолда, 2010 йилда таъмирлаш-тиклаш ишлари» деб аталган ишларға фақат давлат бюджетидан қарийб 150 миллион АҚШ доллари сарфланганини қандай изоҳлаш мумкин? Жорий йилда бундай ишлар учун бюджетдан яна 191 миллион доллар сарфлаш назарда тутилган. Ва, ниҳоят, 2012 йил учун бюджет лойиҳасида ушбу мақсадлар учун 223 миллион доллар ажратилиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Роғун ГЭСини майдониди қарийб беш минг кишини ишлаётгани ҳам маълум. Таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бу даражада кўп ишчи кучи талаб этилмаслигини барча жулда яхши билиди. Тожикистон ҳукуматининг баёнотида юқорида келтирилган бундай фактлар ҳақида лом-ним дейилмагани, мамлакат раҳбарларининг халқаро жамоатчиликдан бу борадаги ҳаққий вазиятни яширишға бўлган навбатдаги қайсарона уринишидан ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли теҳноген, экологик ҳамда социал оқибатларға қарамасдан Роғун ГЭСини лойиҳасини амалға ошириш ниятидан қайтмоқчи эмаслигини боз ҳам асос эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистон раҳбариятиға йўланган мустақил халқаро экспертларнинг фикриға қўлоқ тутиш ва дунё таъриҳисада қурилиши аллақачон тўхтатилган бундай йирик, жаҳондаги энг баланд тўғон барпо этиш ниятидан воз кечиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш борасида мўқобил манбалар топиш, жумладан, юнлик ГЭСлар қуриш хусусидаги баёнот ва давлатлар эътиборисиз қолдирилган афсусларнингдир.

Мамлакатимизда кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши жорий йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра 50,5 фоизга етди. Кичик бизнесда sanoat ишлаб чиқариши ҳажмлари 26,5 фоиз ўсди, уларнинг маҳсулоти экспорти эса 1,6 баравар кўпайди.

Бу – Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган ва қабул қилинган давлат дастури асосида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар самарасидир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Одилхон РУСТАМОВ билан кичик бизнес субъектлари учун солиқ соҳасида яратилаётган имтиёз ва преференцияларнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

кулай шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш ва ҳаракатларини қаматириш бўйича қатор янгиликлар жорий этилди. Жумладан, 1 июндан бошлаб айрим фаолият турлари билан шуғулланувчи кичик корхоналарда ходимлар сонининг чегаравий миқдори кўпайтирилди. Бу корхоналарга солиқ тўлашининг соддалаштирилган тизимидан фойдаланиш ва ҳисобот топширишдаги имтиёзларни сақлаган ҳолда ишчилар сонини кўпайтириш имконини бермоқда. Айни вақтда бу ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ортишига хизмат қилаётди.

кор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олган бўлса-да, чакана савдо билан фақат турғун чакана савдо шохбосчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимликларидан чакана савдонинг амалга ошириш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси олган тақдирдагина шуғулланишлари мумкин эди. Бу рухсат гувоҳномасини олиш учун яқка тартибдаги тадбиркорлардан турғун савдо шохбосчаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимлигига бир қанча қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинарди, бу эса тадбиркорларнинг ортқача вақт сарфлашига, сарсон бўлишига олиб келар эди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юқини қаматириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги беш йил давомида ягона солиқ тўлови ставкаси етти фоизга пасайтирилди. Агар 2005 йилда ягона солиқ тўлови 13 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда ягона солиқ тўлови микрофирма ва кичик корхоналар учун 6 фоиз бўлгани бунинг тасдиғидир. Бу борадаги ижобий тенденция келгуси йилда ҳам давом эттирилади. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 24 августда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини 6 фоизли ставка ўрнига 5 фоизли ставкада амалга оширади.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили ТАДБИРКОРЛАРГА БЕРИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР САМАРАЛАРИ

йилнинг 1 октябрдан бошлаб, солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мuddатларини бузганилик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан ундан бир қисмига, яъни 0,05 фоиздан 0,033 фоизга қаматириш белгиланди. Юридик шахсларда ўтказилган текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган қўндан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи жорий этилди.

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўнун ҳужжатларида назарда тутилмаган янги турдаги руҳсатнома ва рухсат бериш тартибларини жорий этиш тақиқлаб қўйилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини мазкур соҳа учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш назарда тутилган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар самараси хусусида тўхталиб ўтсангиз.

Тошкентда 2-4 ноябрь кунлари «Ипак йўли туризми – 2011» Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтади.

чиқилиб, катта ҳажмдаги ташкилий ишлар амалга оширилган. «Ипак йўли туризми – 2011» ярмаркасини ўтказиш учун «Ўзэкспомарказ»дан умумий майдони 5000 квадрат метр жой ажратилган.

танишимиз, – дейди Бирлашган Араб Амирликларининг «Akkad Tours» компанияси бош директори Абдул Нассер Ал Аксад. – Айтиш жоизки, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. Дунёда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларни кўришга орзуманд кишилар жуда кўп. Мазкур ярмаркада иштирок эттишдан асосий мақсадимиз сайёҳлар алмашинуви борасида Ўзбекистон компаниялари билан узок мuddатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатишдан иборат.



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ўнлаб мамлакатларнинг юзга яқин фирма ва компаниялари билан беш юздан зиёд вакил иштирок этиши кутулкида.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан олтига яқин сайёҳлик фирма ва компанияси иштирок этади.

Ярмаркани ўтказишдан асосий мақсад – мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини, жумладан, ички туризмни янада кенгроқ ишга солиш, юртимизни хоризда кенг тарғиб этиш, соҳани ривожлантириш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини янада юксалтириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш, янги сайёҳлик маҳсулотларини намойиш этиш ва чет эллик шериклар билан бевосита алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

– Ярмаркада илк марта иштирок этаётган бўлса-да, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти билан яқин

ларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш тақиқланди.

Мазкур фармонга биноан, 2011 йил учун тасдиқланган текширишлар режа-жадвалидан давлат рўйхатига олинганга уч йил тўлмаган 171 кичик бизнес субъекти чиқарилди. 576 кичик бизнес субъектида режалаштирилган комплекс текширишлар ўтказилмайдиган бўлди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг тартибга солиниши баробарида текширишлар сони йилдан-йилга қискартирилмоқда. 2001 йилда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг 33,2 фоизда текширишлар ўтказилган бўлса, 2011 йилнинг тўққиз ойи давомида мавжуд субъектларнинг атиги 1,7 фоизда режали текширишлар ўтказилган.

Айтиш жоизки, текширишларнинг қаматириш тадбиркорларнинг вақтинини беҳуда олиш, қайғиритиш салбий таъсир кўрсатиш каби ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгроқ имконият яратмоқда.

– Солиқ ҳисоботларини топшириш тадбиркорлардан алоҳида маъсулиятни талаб қилади. Бу жараёни такомиллаштириш ва унификациялаш борасида қандай амалий ишлар қилинмоқда?

– Ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектлари солиқ идораларига ҳисобот топширишда айрим мураккабликларга дуч келгани руст. Қоғозбозлик, ортқача вақт сарфлаш уларнинг қайғиритишга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмасди, албатта. Шу боис бу жараёни қатъий тартибга солиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Ана шу мақсадда давлат солиқ хизмати тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда соҳада шундай тизим яратилдики, нафақат тадбиркор, балки ҳар бир жисмоний шахс махсус дастурга ўз исм-шарифини ёки СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақамини) киритиш орқали барча солиқ қарзлари ёки мажбуриятларини тўлиқ билиб олиши мумкин.

Аниқроқ айтилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчидан билан ўзаро электрон ахборот алмашинувини жорий этиш, давлат солиқ хизмати органлари ишининг самардорлигини оширишга қаратилган ўттизга яқин дастурий маҳсулот амалиётга таътиб этилиб, ўндан ортқ интерфалот хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Натижада қўрсатилаётган интерфалот давлат хизматига мувожаз этувчилар сони сўнги уч йил давомида тўрт баробар ўсди. Рўйхатга олинган электрон рақамли имзолар сони 2008-2010 йилларда 5,7 баравар кўпайган бўлса, солиқ ҳисоботларини электрон қўринишда тақдим этаётган корхоналар сони шу даврда 13,8 баробар кенгайди. 2011 йилнинг 1 октябр ҳолатига электрон рақамли имзо берилган ҳўжалик юритувчи субъектлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,1 фоиз, солиқ ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этувчи юридик шахслар сони эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 фоиз ортди.

Хозирги кунда тизимда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимида босқичма-босқич ўтказиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Бундай янги меъриларнинг ҳаётга таътиб этилаётгани юртимизда кичик бизнес субъектлари учун қўлай шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик фаолияти кўламини янада кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

ЎЗА муҳбири Норгул АБУДУЛМОНОВА суҳбатлашди.

Тўққиз ойлик сарҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жорий йилнинг тўққиз ойида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайат йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида жорий йилнинг тўққиз ойида амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайат йиғилиши бўлиб ўтди.

Жисмоний ва юридик шахслар, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича ўтказилаётган текширишлар натижалари бўйича аниқланган қўнунбузилиш ҳолатларини бартараф этишда тақдимнома, оғоҳнома ва қўрсатма-лар киритиш тизими яқин натижа бераётди. Қўрилаган бу каби таъсир чоралари натижасида 7 минг нафарга яқин айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Судларга киритилган 18 минг 986 давро аризасига асосан 78 миллиард сўмдан ортқ маблағнинг ўз ағзаларига қайтарилиши таъминланди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигининг муҳим омил бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қўнун ҳужжатларини яқин изчил таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, «Ишонч телефони»га мувожазларни тезкор қўриб чиқиш ва ҳал қилишда қўшимча чора-тадбирларни амалиётга таътиб этиш лозимлиги таъкидланди.

Қўнун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида 836 қўнун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди ва тегишли ҳулосалар берилди. Шунингдек, тақдим этилган идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан 222 таси давлат рўйхатидан ўтказилди.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментининг иш юритишда мавжуд ижро ҳужжатларидан 1,6 миллиондан зиёдининг ижроси таъминланди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида адлия органлари ва муассасалари томонидан 39 мингдан ортқ ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Йиғилишда бу борада айрим вилоятларда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилаётганини таъкид қилинди. Шунингдек, адлия бошқармалари, фуқаролик ҳолати дололатномаларини ёзиш (ФХД) органлари фаолияти бўйича ўтказилган комплекс текширишлар натижалари муҳокама қилиниб, йўл қўйилган таътиб-чиқиларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини тўлиқ таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини қўнунини текширишларнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар қўриш, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этилишини сўзсиз таъминлаш, жойлардаги нотариат, ФХД идораларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янада қўнунтириш борасидаги долзарб вазифалар белгилан олди.

ХўНАРИ БОР ЭЛДИР — БУ

Кундалик турмушимизда кўп учрайдиган, баъзан биз кўпам аҳамият беравермайдиган нарсалар сероб. Рўзгоримиз бутлиги бўлмиш, оддийгина чойнак-пиёладан тортиб, отахонларимиз бошига кўрк бўлган дўпчиларимиз ёки аёлларимиз сунига ҳўн қўшган зебинзийнат, тақинчоқларми? Хўш, бу каби санъат асарларини ким яратган? Улар қандай босқичлардан ўтиб, ҳаётиимизнинг бир бўлагига айланган?

Хўнармандчилик ишлаб чиқариш орқали юзга келиб, у асосан меҳнат қўли билан турли ҳўн ашёлардан антиқа буюмлар қўринишини олган. Борган сари кишилар турмуши яқинлангани, давр тараққиётга юз тутгани сабаб хўнармандчилик ҳам тез фурдатда ўзининг янги босқичларига кўтарилди. Бундай юқори сифатли хўнармандчилик маҳсулотлари тайёрлашда устанинг уқул, билими ва малакаси соҳани янада такомиллашувига омил бўлади. Айниқса, Урта Осиёда ишлаб чиқарилган ип мато, гилам, шойи, мис каби маҳсулотлар харидориги бўлиб, уларга дунё бозорларида ҳам эҳтиёж юқори. Дўстлик ва ҳамкорликни қўллаб олганган қарованлар Буюк Ипак йўли орқали мамлакатларга турли нобб буюмларни таътиб келишган. Ўзбек миллий хўнармандчилиги бўлими кўпўлчилик, ўймакорлик, каштадўзлик, кўнчилик, заргарлик ва зардўзлик буюмлари ХХ асрнинг йиғирманчи йилларида Қўқон, Хива, Тошкент каби марказий шаҳарларнинг ишлаб чиқариш ва ривожинида муҳим рол ўйнади.

Истиқлол йилларида архитектура ва амалий санъат беэагида хўнармандчиликни турли йўналишлари ҳўнлана бошлади. Бу борада кўпўлчилик ва кандакорлик сифат ҳамда ишлаб чиқариш бўйича юқори даражада кўтарилди. Айтиш ўринлики, амалий санъат, нақшошлик, тўймачилик орқали адрас, атлас, шойи, қалами каби бир қанча матоларни тўқиш ва бўйиш, дўппидўзлик, зардўзлик, каштадўзлик, гилам тўқиш, зармин бадийи бешаш, мисгарлик, ўймакорлик йўналишларида услуб ва мазмун бойитилди. Миллий анъаналарни янада такомиллашувида дизайнёрлар, тикувчилар миллий хўнармандчилик маҳсулотлари билан ўйгунлаштириётган замонавий кўринишлар ҳам самарали натижа бериб, айни пайтда бундай буюмлар миллий маданиятимизнинг нозик ва бетакорр намўнаси сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар орасида айнан мазкур соҳада меҳнат қўлган, унинг тадариқий ривожини ўнун бун салоҳияти ва умрини бағишланган устозларнинг суратлари сақланмоқда.

— Фондимизда сақланаётган суратлар турли йилларга тегишли бўлиб, улар ўзида бой маданий меросимиз, санъатимиз, хўнармандчилигимиз сарҳашларини жамлайди, – дейди Республика кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви фондарининг бош сарҳашини Умида Ақромова. — Бу материаллар хўнармандчилик қўроллари, ўша вақтдаги шаъроити билан бирга, хозирги пайтдаги ўзгаришлар, махсус таъкомиллашган техника имкониятларини солиштириш ўчун қўл келади. Бунда пайтахтдаги янги Академик драма театри пардаларини тиктаётган бухоролик зардўзлар (1947), ўша Мухтор Мўхсиновни шоғирдлари даврасидаги (1981) расмлари шулар сирасидандир. Айни пайтда уларни янада яқини сақлаш ва келажакка етказиш борасида янги технологиялардан самарали фойдаланилимоқда. Бу эса тарих ва бугун ўчун кўприк бўлган архивлар ишини янада такомиллаштириш, кишиларни тарих, адабиёт, санъат каби йўналишларга ошно этади.

Албатта, халқимизнинг ўзини хўн бўлган бундай фаолият тури айни кунда қадриятлар даражасида ҳўрматланади, ҳали ҳам ўнга қизиқиш ва меҳр ҳўр бир миллатимиз вақили кўнгилади. Уқи, кўнлик турмушимиздан, тўйларимизда у яқин кўнларимизга хўнмат қилаётган хўнармандчилик асоари-атиқалари ўзбек хўндонларининг мудом кўрқидир.

Наргиза АСАДОВА, «Туркистон-пресс»

Кўпчиликка аёнки, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида сайёҳликни замон талаблари даражасида ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда сайёҳлик Ўзбекистон иқтисодиётининг тез суръатлар билан ривожланиб бораётган жабҳаларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасидаги давлат сиёсатининг янги тамойиллари ишлаб чиқиши баробарида бу жабҳани ривожлантиришнинг миллий модели ҳам шаклланди. Дунёнинг кенг жамоатчилигини юртимизнинг бой маданий мероси ва тарихий осори-атиқалари билан таништириш мақсадида турли халқаро кўргазма-ярмаркалар ташкил этилмоқда. Улар орасида ҳар йили ўтказиладиган «Ипак йўлида сайёҳлик» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси алоҳида шухрат қозонганки, мазкур халқаро анжуман сайёҳлик йўналиши бўйича Марказий Осиёдаги энг йирик ярмаркалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз пойтахтида ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка дунёнинг турли бурчларидан бу соҳада шериклик алоқаларини ўрнатилган, янги сайёҳлик маҳсулотларини тақдим этишга ҳамда наф келтирадиган шартномаларни тузишга интилаётган меҳмонларни ўзига жалб этмоқда. Жорий йилда ярмарка ишида 500 дан ортиқ чет эл сайёҳлик компанияларининг, шунингдек, қарийб 100 нафар хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳозир бўлиши кутилмоқда.

Республикамиз сайёҳлик салоҳияти ва тарихий-маданий меросини янада оммавийлаштириш, шунингдек сайёҳлик соҳасида дунёнинг бошқа

мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хорижий давлатларда ҳам бу мавзуга бағишланган турли тадбирларнинг ўтказилиши анъана тусига кириб қолган.

Хусусан, яқинда Ўзбекистоннинг Сингапурдаги дипломатия ваколатхонаси томонидан мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақди-

«ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАНИНГ САЙЁҲЛИК МАРКАЗИДИР»

мот маросими ўтказилди. Унда иштирок этган Сингапурнинг етакчи сайёҳлик агентликлари ва ОАВ вакиллари Ипак йўли бўйлаб сайёҳликни ривожлантириш, ўзбек халқининг бой тарихий, маънавий ва маданий мероси, мамлакатимизнинг жўғрофий, табиий иқлим шароитлари, шунингдек, сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳамда сайёҳлик индустриясида яратилган сарможий имкониятлар тўғрисидаги батафсил маълумотлар билан танишдилар.

Сингапурдаги «Raffles Holidays» сайёҳлик агентлигининг бош директори Шиди Али Ўзбекистон ҳукумати томонидан сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, дунё аҳамиятига молик кўп асрлик меъморий ёдгорликларни таъ-

мирлаш ва уларни асраб-авайлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий мероси дунё сайёҳларини ўзига жалб этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

«Exora Travel» ва «Country Holidays» сайёҳлик агентликларининг раҳбарлари Мухаммад Нур ва Энди Йео таъкидлашларича, Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий мероси ҳар икки мамлакат сайёҳлик компанияларига сайёҳлар сонини оширишга қаратилган ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун жуда қулай шарт-шароитларни яратди.

Улар Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар яқин келажакда халқаро сайёҳлик бозорида «Ўзбекистон сайёҳлик маҳсулоти» муваффақиятининг гарови бўлиб қолишига ишонч билдирдилар.

«EDN Media» компаниясининг бошқарувчи директори Иззат Исмоил фикр билдирганидек, кўплаб ноёб меъморий обидалар қатори юртимизнинг гўзал табиати ва замонавий сайёҳлик инфратузилмасининг мавжудлиги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи сайёҳлик маркази эканлигидан далолатдир.

Бўлиб ўтган тақдирот маросими якунида Сингапурдаги кўплаб сайёҳлик компаниялари томонидан ўзбекистонлик туроператорлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилишидан, шунингдек, 17 - Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси чоғида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан биргаликда сингапурлик туроператорлар ва ОАВ вакиллари учун инфо-турнинг ташкил этилишидан манфаатдор эканликлари маълум қилинди.

«Жаҳон» АА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

Аҳмад Яссавий бир куни овқат буюрса, ошпаз ўтин қолмаганини айтади. У муридларини саҳродан ўтин териб келишга жўнатади. Ўша маҳал ёмғир ёғиб турган экан. Муридлар терган ўтинлар то етиб келгунча ҳўл бўлади. Сулаймон деган муриди эса терган ўтинларини тўнига ўраб, қуруқ келтиради.

— Эй ўғлим, ҳақимона иш қилибсан, — дейди бунни кўриб Хожа Аҳмад.

Шу-шу у Ҳаким Сулаймон номи билан машҳур бўлиб кетади ва устози Яссавий йўлида ҳиқматлар айта бошлайди.

Абдуллоҳиқ Фиждудувонийдан сўрадилар: — Кўнгил фароғати нимадан ҳосил бўлади?

— Кўнгил фароғати унинг поклигида, — марҳамат қилдилар у киши. — Агар қайси кўнгилда дунё молидан заррача тама бўлмаса, ўша кўнгил фароғатда бўлади.

Хоразмни истило қилишдан аввал Чингизхон донғи ўз ватанидан узоқ-узоқларга ҳам ёйилган улўғ Шайхга илтимос билан элчи йўллайди: «Мен Хоразмни қатли ом қилмоқчиман. Сиз оила аъзоларингиз билан шаҳарни тарк этиб, хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин». Ватанпарвар Шайх унга шундай жавоб қайтаради: «Менинг 75 йиллик умрим шу тупроқда кечди. Шу халқ билан бирга ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотдим. Энди унинг бошига оғир кун тушганда ташлаб кетиш мардликдан эмас!»

Нажмиддин Кубронинг ҳиммат ва муруввати шу қадар буюкки, бошқа ўлкалардан келган муридларнинг бегона тупроқда ўлиб кетишларини истамайди. Уларни тугилган юртларига жўнатиб, ўзи шаҳарни мудофаа қилишга отланади. Шогирдларининг бирга кетиш тўғрисидаги таклифларига жавобан: «Мен шу ерда шаҳид бўламан. Менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ!» — дейди ва кўлига шамшир тутиб, кўйнига тош тўлдириб, ёв қаршисига чиқади. Уларга тош отади, бир нечтасини найза билан уриб йиқитади. Душманлар унга камондан ўқ узадилар. Ўқлардан бири Шайхнинг кўкрагига санчилади. Шаҳид бўлаётган пайтда у душман кўлидан байроғини тортиб олиб, шу даражада маҳкам сиқиб ушлаганки, ўн киши бўлиб ҳам унинг кўлидан байроқни олишолмагач, бармоқларини кесишга мажбур бўлишган. Шайхнинг бу жасорати ёвни ҳам ҳайратга солган. Мазкур воқеа тилдан-тилга ўтиб, афсонага, халқ учун ибрат намунасига айланди.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган

(Давоми бор)



Спорт янгиликлари

ИСЛОМ АҲМЕДОВ — БОШ МУРАББИЙ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан миллионлар ўйини футболга бўлган эътиборнинг самара бераётганлиги барчага маълум.

Шу боис ҳам кейинги йилларда юртимизда спортнинг кўпгина турлари бўйича нуфузли халқаро турнирлар ўтказилиши одатий ҳол бўлиб қолди. Қувонарли жиҳати шундаки, аёллар футболини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар сабабли ФИФА томонидан 2012 йилда 20 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўртасида футбол бўйича уюштирилаётган

жаҳон чемпионатида Ўзбекистон мезбонлик қилаётган бўлди. Шаҳримиздаги «Жар», «Пахтакор» стадионларида ҳамда бошқа вилоятларда ўтказилиши режалаштирилаётган ушбу жаҳон чемпионатида Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ҳам Ватанимиз шаарафини ҳимоя қилади. Жаҳон чемпионатида ҳамюртларимизнинг муваффақиятли иштирок этиши мақсадида Ўзбекистон футбол

федерацияси томонидан зарур бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аёллар терма жамоамизга тажрибали мутахассис, собиқ пахтакорчи Ислом Аҳмедов бош мураббий этиб тайинланди. Айни кунларда ҳам Ислом Аҳмедов шогирдлари ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этишмоқда. Ўқув-йиғин машғулотлари доирасида уюштирилаётган ўртоқлик учрашувлари эса терма жамоамиз вакиллари учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Биз эса кўпминг сонли футбол мухлислари номидан Ўзбекистон аёллар терма жамоасига жаҳон чемпионатида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

«БУНЁДКОР» ТАРБИЯЛАНУВЧИСИ «БОРУССИЯ» КЛУБИДА

Мексикада ўсмирлар ўртасида футбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси муваффақиятли иштирок этганлигидан барчанинг хабари бор албатта.

Ўсмирларимизнинг зафар қучишларига муносиб ҳисса қўшган Жавлон Мирабдуллаев мухлисларимизнинг сеvimли футболчисига айланиб улгургани ҳам ёдимизда. Чунки ҳимоя чизигида ҳаракат қилган Жавлон жаҳон чемпионатининг дастлабки баҳсида терма жамоани сардор сифатида майдонга олиб чиққан, жамоадoshларига ҳатто ярим ҳимоя чизигида ҳам фаол ёрдам бериб олдинга бошлаган эди. Унинг жисмонан бақувватлиги, ҳимояда беҳато ҳаракат қилиши, юқоридан келатган тўпларни қайтаришда рақиб ҳужумчиларига деярли имкония қолдирмасли-

ги, энг асосийси жарима майдони ичида рақиб ҳужумчисидан тўпни қоида бузмаган ҳолда олиб қўйиши Германиянинг «Боруссия» клуби мураббийларининг эътиборини тортди. Шу боис ҳам германиялик мутахассислар таклифига биноан «Бунёдкор» тарбияланувчиси Жавлон Мирабдуллаев бир ой мобайнида «Боруссия» клубида ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этди. Энди унинг фаолияти германиялик мутахассислар томонидан эътироф этилса, Жавлон «Боруссия» клубида тўп суради.

Маъмура ФАЙЗИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улўбек туманлараро судининг 2011 йил 14 мартдаги 1-286-01/11 сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, 10-даҳа, 16-уй, 92-хонадон манзилида жойлашган, майдони 94,05 кв.м, 4 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат бўлган уй-жой қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 65 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2011 йил 5 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. Лицензия: RR-0001

Республика иختисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси маслаҳатлашув поликлиникаси мудири Дилшод Раҳимович Юсуповга турмуш ўртоғи

Фазилат Акмаловна ЮСУПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди жамоаси суд ходими Бехзод Мирхамидович Аҳмедовга ўғли **Бехруз Бехзод-ўғли АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2839 нускада босилади.
Қоғоз бегиши А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Нашр учун маъсул Д. Исроиллов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.